

ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА БУЙРУҚ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШНИНГ АЙРИМ ПРОЦЕССУАЛ МУАММОЛАРИ

Асқар Мамараимов

Тошкент шаҳар судининг судьяси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11025106>

Аннотация: бугунги кунда иқтисодий судлар томонидан мазмунан кўриб чиқилиб, ҳал этилаётган низоларнинг аксарият қисмини даъво ишини юритишга оид ишлар, маълум қисмини алоҳида тоифадаги ишларни кўриб чиқиш тартибида ҳал этиладиган ишлар ташкил қилсада, юридик шахслар ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида кўриб чиқиладиган айрим ишлар айнан кредиторларнинг суд буйруғи бериш ҳақидаги аризаларига асосан буйруқ тартибида иш юритиш асосида ҳал этилмоқда. Буйруқ тартибида иш юритишни тартибга солувчи миллий ва хорижий мамлакатлар қонунчилиқ амалиёти қиёсий таҳлил қилинганда, ушбу соҳада айрим процессуал муаммолар мавжудлиги кузатилади.

Бугунги кунда эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт юритаётган барча давлатларда иқтисодиётни ривожлантириш, бизнес юритиш эркинлигини таъминлаш амалга ошириладиган ислоҳотлар ва давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳам миллий иқтисодиётни янада либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, юқори иқтисодий ўсиш нуқталарини аниқлаш ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан саналади.

Бу борада давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёевнинг ташаббуси билан илгари сурилган Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш асосий устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган¹.

Табиийки, иқтисодиёт соҳасида барқарор ўсиш суръатларига эришиш, корхона, муассаса, ташкилотларнинг ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқладиган манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш учун соҳада одил судловни амалга ошириш имконини берадиган иқтисодий суд ишларини юритиш жараёнини тартибга солувчи қонунчилиқ муҳим аҳамиятга эга.

Зеро, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўзларининг “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” асарида “Алоҳида таъкидлаш лозимки, Янги Ўзбекистон модернизациялашган иқтисодиётга таянади. Бундай иқтисодиётни шакллантириш учун ундаги давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва унинг ролини кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттиришимиз зарур” дея таъкидлаганлар².

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <https://lex.uz/docs/5841063>

² Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. – Тошкент: Ўзбекистон, 2022. – 136 б.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 1-моддасининг иккинчи қисмида иқтисодий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчилик буйруққа, даъво ишини юритишга оид ва алоҳида тоифадаги ишларни кўриб чиқиш тартибини белгилаши назарда тутилган бўлса, 2-моддасида иқтисодиёт соҳасида корхоналар, муассасалар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтисодиёт соҳасида қонунийликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашиш, қонунга ва судга нисбатан ҳурматда бўлиш муносабатини шакллантириш иқтисодий суд ишларини юритиш вазифалари сифатида кўрсатиб ўтилган³.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда иқтисодий судлар томонидан мазмунан кўриб чиқилиб, ҳал этилаётган низоларнинг аксарият қисмини даъво ишини юритишга оид ишлар, маълум қисмини алоҳида тоифадаги ишларни кўриб чиқиш тартибида ҳал этиладиган ишлар ташкил қилсада, юридик шахслар ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида кўриб чиқиладиган айрим ишлар айнан кредиторларнинг суд буйруғи бериш ҳақидаги аризаларига асосан буйруқ тартибида иш юритиш асосида ҳал этилмоқда.

Суд буйруғи судья томонидан суд муҳокамасисиз, кредитор ва қарздорни чақиртирмасдан, уларнинг тушунтиришлари эшитилмасдан, якка тартибда берилиши сабабли буйруқ тартибида иш юритиш иқтисодий суд ишларини юритишнинг ўзига хос соддалаштирилган шакли бўлиб, тадбиркорлик субъектлари ва бошқа юридик шахсларнинг вақти ва маблағлари тежалишини таъминлайдиган институт ҳисобланади.

Буйруқ тартибида иш юритиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, аксарият давлатлар томонидан суд ишларини юритишда мазкур институтдан самарали фойдаланиб келинмоқда ҳамда улар томонидан ушбу институтнинг бир қатор самарали ва тарафлар учун қулайлик яратувчи жиҳатлари эътироф этилади.

Жумладан, Россия Федерацияси ҳуқуқшунос олимлари буйруқ тартибида иш юритиш қуйидаги процессуал хусусиятлари ва ўзига хос жиҳатлари билан иш юритишнинг бошқа шаклларида фарқланишини таъкилдашган:

- ▶ буйруқ тартибида иш юритиш тарафлари фақатгина ундирувчи ва қарздор бўлиши;
- ▶ суд буйруғи судья томонидан ёзма ҳужжатларга асосланган ҳолда якка тартибда, тарафлар иштирокида ишни мазмунан кўриб чиқмасдан қабул қилинади;
- ▶ суд буйруғи берилиши мумкин бўлган ҳолатларнинг тугал рўйхати қонунда мустаҳкамланганлиги;
- ▶ низони судгача ҳал этиш (талабнома юбориш) тартибига риоя қилиниши мажбурий эмаслиги;
- ▶ даъвони таъминлашга, кўшимча ҳужжатларни талаб қилиб олишга ёки ишга учинчи шахсларни жалб қилишга йўл қўйилмаслиги;
- ▶ суд буйруғи фақатгина уни қабул қилган судья томонидан бекор қилиниши;

³ Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <https://lex.uz/uz/docs/3523891>

► суд буйруғи ижро хужжати кучига эгалиги сабабли ижро варақаси бериш талаб қилинмаслиги⁴.

Германия Федератив Республикаси процессуал қонунчилигида ҳам буйруқ тартибида иш юритиш фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юритишнинг энг самарали усулларида бири ҳисобланиб, мазкур муносабатлар асосан 1877 йил 30 январда қабул қилинган Фуқаролик процессуал қонунлари тўпламининг 688-бобида тартибга солинган ва унга кўра, суд буйруғи (Mahnverfahren) суд ишларини юритишнинг соддалаштирилган шакли ҳисобланади⁵.

Мазкур давлатнинг юридик адабиётларида буйруқ тартибида иш юритиш иш юритишнинг бошқа шаклларига нисбатан тезкорлиги ва арзонлиги билан ажралиб туриши сабабли соддалаштирилган тартибда иш юритишнинг энг кенг тарқалган институтларидан бири ҳисобланиши таъкидланади⁶.

Миллий қонунчилигимизда иқтисодий суд ишларини юритишда суд буйруғи бериш асослари мустақамланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 135-моддасига кўра, суд буйруғи судья томонидан қуйидаги ҳолларда яқка тартибда берилади, агар:

- 1) солиқ қарзини ундиришни юридик шахсларнинг ва фуқароларнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида талаб билдирилган бўлса;
- 2) коммунал хизматлар ва алоқа хизматлари тўлови бўйича қарздорликни ундириш тўғрисида тасдиқловчи хужжатларга асосланган талаб билдирилган бўлса;
- 3) хужжатлар асосида тан олинган дебиторлик қарзини ундириш тўғрисида талаб билдирилган бўлса;
- 4) талаб тўланмаган, акцептланмаган ва акцептга сана қўйилмаган вексель нотариус томонидан протест қилинишига асосланган бўлса;
- 5) ёзма битим мавжуд бўлган тақдирда, ундирувни қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти бўлган мол-мулкка қаратиш тўғрисида талаб билдирилган бўлса.

Буйруқ тартибида иш юритишни тартибга солувчи қонунчилик хужжатлари хорижий мамлакатлар қонунчилиги амалиёти билан қиёслаган ҳолда таҳлил қилинганда, ушбу соҳада айрим процессуал муаммолар мавжудлигини кузатиш мумкин.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 135-моддасининг 1-бандида суд буйруғи бериш асоси сифатида солиқ қарзини ундиришни юридик шахсларнинг ва фуқароларнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида талаб билдирилиши келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 123-моддасининг олтинчи қисмида солиқ қарзи бўйича мажбуриятга эга шахснинг мол-мулки ҳисобидан солиқ қарздорлигини ундириш суд тартибида амалга оширилиши, солиқ тўловчи томонидан солиқ қарздорлиги тан олинса, солиқ органи раҳбарининг (раҳбар ўринбосарининг) қарорига

⁴ Арбитражный процесс: Учебник. Авторский коллектив под общ.ред. д.ю.н., проф Яркова. В.В. М.: Статут, 2017. – С. 311-312

⁵ Гражданское процессуальное уложение Германии: Вводный закон к Гражданскому процессуальному уложению / пер. с нем. ; сост., введ. В. Бергманн. – М. : Волтерсклувер, 2006. – 472 с.

⁶ Крымский Д. И. Упрощенные производства в гражданском процессе зарубежных стран : автореф. дис. ... канд. юрид. наук / Д. И. Крымский. – М., 2011. – 26 с.

биноан солиқ қарзи бўйича мажбуриятга эга шахснинг мулки ҳисобидан солиқ қарздорлиги ундирилиши мумкинлиги белгиланган⁷.

Мазкур ҳолатда қонун чиқарувчи солиқ тўловчи томонидан солиқ қарздорлиги тан олинса, солиқ қарзини ундиришни юридик шахсларнинг ва фуқароларнинг мол-мулкига қаратиш бевосита солиқ органи раҳбарининг ёки ўринбосарининг қарори асосида амалга ошириши мумкинлиги ҳақидаги нормани ўрнатган. Табиийки, солиқ қарздорлигига нисбатан эътироз мавжуд бўлганда, қарздор томонидан ариза (ундирувчи)нинг суд буйруғи бериш тўғрисидаги аризасига ҳам эътироз билдирилади ва ушбу ҳолат буйруқ тартибида иш юритишни истисно этади.

Бугунги кундаги суд амалиётига назар ташлайдиган бўлсак, солиқ қарзини ундиришни юридик шахсларнинг ва фуқароларнинг мол-мулкига қаратиш солиқ органи томонидан иқтисодий судга суд буйруғи бериш тўғрисида ариза бериш йўли билан эмас, балки солиқ қарзини қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан ундириш ҳақидаги солиқ органи раҳбарининг қарори асосида ундириш йўли билан амалга ошириладиганлигини кузатиш мумкин.

Бу борада айрим хорижий давлатлар амалиётига эътибор қаратадиган бўлсак, Россия Федерацияси Арбитраж процессуал кодексининг 229.2-моддасида суд буйруғи уч ҳолатда, яъни шартномавий мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик натижасида ундирувчи томонидан пул мажбуриятларини белгиловчи ҳужжатлар асосида умумий миқдори 75 000 рублдан ошмайдиган қарздорликни ундириш ҳақида талаб билдирилганда, умумий миқдори 75 000 рублдан ошмайдиган талаб тўланмаган, акцептланмаган ва акцептга сана қўйилмаган вексель нотариус томонидан протест қилинишига асосланганда ва умумий миқдори 100 000 рублдан ошмайдиган мажбурий тўловлар ва санкцияларни ундириш тўғрисида талаб билдирилганда берилиши мумкинлиги назарда тутилган⁸.

Мазкур ҳолатда Россия Федерацияси қонунчилигида ҳам мажбурий тўловлар ва санкцияларни ундириш бўйича суд буйруғи бериш тартиби мавжуд бўлсада, бироқ солиқ қарзини ундиришни юридик шахсларнинг ва фуқароларнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги аризалар буйруқ тартибида юритилиши мумкинлиги назарда тутилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2013 йил 5 декабрдаги “Суд буйруғи бериш тўғрисидаги ишларни кўришда иқтисодий судлар томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 254-сон қарорининг 21-бандида суд буйруғини бериш тўғрисидаги талаб Иқтисодий процессуал кодекс 135-моддасининг 1-банди (солиқ қарзини ундиришни юридик шахсларнинг ва фуқароларнинг мол-мулкига қаратиш)га асосан қўйилган бўлса, қарздор томонидан солиқ қарзининг тан олинishi талаб этилмаслиги ҳақида тушунтириш берилган⁹.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <https://lex.uz/docs/4674902>

⁸ Россия Федерацияси Арбитраж процессуал кодекси. https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_37800/

⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2013 йил 5 декабрдаги “Суд буйруғи бериш тўғрисидаги ишларни кўришда иқтисодий судлар томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг

Бироқ, бугунги кунда суд амалиётида қарздор томонидан солиқ қарздорлиги тан олинмасдан, унга эътироз билдирилган тақдирда, солиқ органлари суд буйруғи бериш тўғрисидаги ариза билан эмас, балки боқиманда солиқ қарздорлигини ундириш тўғрисидаги даъво аризаси билан судларга мурожаат қилаётган бир пайтда, юқоридаги норма ва тушунтиришнинг мавжудлиги суд буйруғининг юридик табиатига зид ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани қайтариш асослари назарда тутилган 141-моддаси биринчи қисмининг 6-бандида мазкур тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаганлиги келтирилган.

Бироқ, суд буйруғи бериш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиш учун аризага қарздор томонидан мавжуд қарздорлик тан олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (таққослаш далолатномаси, қарздорлик тан олинганлиги ва тўлаб берилиши кафолатланиши ҳақидаги хат ва ҳ.к.) асос бўлиши ва илова қилиниши инobatга олинса, судга суд буйруғи бериш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишдан олдин ундирувчидан жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилишини талаб қилиш буйруқ тартибида иш юритиш мазмунига мувофиқ келмайди.

Бундан ташқари, суд томонидан суд буйруғини бериш муддати бўйича қонунчиликда белгиланган нормалар ҳам ўзи низосиз, бирмунча соддалаштирилган тартибда юритиладиган жараённи маълум маънода мураккаблаштиради.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 142-моддасида қарздор кредиторнинг талабларига қарши эътирозини суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризининг кўчирма нусхаси унга топширилган пайтдан эътиборан ўн кунлик муддатда судга тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этишга ҳақлилиги, қарздорнинг эътирозни белгиланган муддатда тақдим этмаганлиги, шунингдек унинг билдирилган талабга розилиги суд буйруғини бериш учун асос бўлиши белгиланган бўлса, 143-моддасининг иккинчи қисмида суд буйруғи кредитор томонидан аризининг кўчирма нусхаси қарздорга топширилган кундан эътиборан ўн кун ўтгач берилиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2013 йил 5 декабрдаги “Суд буйруғи бериш тўғрисидаги ишларни кўришда иқтисодий судлар томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 254-сон қарорининг 14-бандида агар аризининг нусхаси қарздорга топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатда ҳужжат топширилган сана кўрсатилмаган бўлса, ўн кунлик муддат ушбу ариза судга келиб тушган кундан бошлаб ҳисобланиши, агар суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза қарздор томонидан ёзма фикрни тақдим этиш учун берилган ўн кунлик муддат ўтганидан кейин судга келиб тушган бўлса, суд буйруғи ариза судга келиб тушганидан кейинги кундан кечиктирмасдан берилиши,

айрим масалалари тўғрисида” 254-сон қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <https://lex.uz/uz/docs/2338574>

шунингдек Иқтисодий процессуал кодекс 142-моддасининг иккинчи қисми мазмунига мувофиқ, суд буйруғи, агар қарздор аризадаги талаб билан рози бўлса, ариза нусхаси қарздорга берилган кундан ўн кунлик муддат ўтмасдан ҳам берилиши мумкинлиги, бундай ҳолатда суд буйруғи қарздорнинг аризадаги талабга ёзма розилиги келиб тушган куннинг эртасидан кечиктирмасдан берилиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Мазкур ҳолатда қонунчилигимизда турли вазиятларда суд буйруғини бериш муддати билан боғлиқ бир неча ҳолатлар мавжуд.

Бу борада хорижий давлатлар амалиётига назар ташлайдиган бўлсак, Россия Федерацияси Арбитраж процессуал кодекси 229.5-моддасининг иккинчи қисмида буйруқ тартибида юритиладиган ишлар бўйича суд буйруғи суд томонидан ариза судга келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ичида берилиши тўғрисидаги ягона қоида белгиланганлигини кўриш мумкин.

Юқоридагиларга асосан, бугунги кунда иқтисодий суд ишларини юритишда ўзига хос ўринга эга бўлган буйруқ тартибида иш юритиш институтини янада такомиллаштириш, судга мазкур тоифадаги аризалар билан мурожаат қилаётган тадбиркорлик субъектлари ва бошқа юридик шахсларнинг вақти ва маблағи тежалишини таъминлаш ҳамда соҳага оид миллий қонунчилигимизни ривожланган давлатлар қонунчилиги билан бирхиллаштириш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

→ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 135-моддасининг 1-бандидаги солиқ қарзини ундиришни юридик шахсларнинг ва фуқароларнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида талаб билдирилишини суд буйруғи бериш асосларидан чиқариш;

→ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 141-моддасининг биринчи қисмидаги суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани қайтариш асосларидан “мазкур тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаганлиги” тўғрисидаги 6-бандни чиқариб ташлаш;

→ суд буйруғини беришнинг турли муддатлари бўйича нормаларни унификация қилиш ва буйруқ тартибида иш юритиш самарадорлигини ошириш мақсадида миллий қонунчиликка суд буйруғи суд томонидан суд буйруғи бериш тўғрисидаги ариза судга келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ўтгач берилиши ҳақидаги қатъий қондани киритиш.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <https://lex.uz/docs/5841063>;
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. – Тошкент: Ўзбекистон, 2022. – 136 б;
3. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси. Қонун

хужжатлари маълумотлари миллий базаси - <https://lex.uz/uz/docs/3523891>;

4. Арбитражный процесс: Учебник. Авторский коллектив под общ.ред. д.ю.н., проф Яркова. В.В. М.: Статут, 2017. – С. 311-312;
5. Гражданское процессуальное уложение Германии: Вводный закон к Гражданскому процессуальному уложению / пер. с нем.; сост., введ. В.Бергманн. – М.: ВолтерсКлувер, 2006. – 472 с.;
6. Крымский Д. И. Упрощенные производства в гражданском процессе зарубежных стран: автореф. дис. ... канд. юрид. наук / Д. И. Крымский. – М., 2011. – 26 с.;
7. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - <https://lex.uz/docs/4674902>;
8. Россия Федерацияси Арбитраж процессуал кодекси. https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_37800/;
9. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2013 йил 5 декабрдаги “Суд буйруғи бериш тўғрисидаги ишларни кўришда иқтисодий судлар томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 254-сон қарори. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - <https://lex.uz/uz/docs/2338574>.